

**7 - Мавзу.**  
**ДИНШУНОСЛИК**  
**ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ**  
**ВА ВАЗИФАЛАРИ**

# Режа:

- 1. Диншунослик асослари курсининг предмети ва унинг ижтимоий фанлар уртасида тутган урни.
- 2. Дин тушунчаси. Дин ва диний эътикоднинг фалсафий мохияти.
- 3. Диннинг ижтимоий,гносеологик, психологик ва тарихий илдизлари. Диннинг асосий элементлари ва функциялари.
- 4. Диний муассасаларнинг жамият таракииётидаги тутган урни.

- Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Агар мендан нега миллим кадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сурашса, бу - аввало мукаддас динимиз хисобидан, деб жавоб берган булур эдим. Шу заминда утган неча-неча авлодлар диний эътикодни юракда сакламаса, ислом фалсафасиини ривожлантириб келмаса, биз бебахо ва бетакрор маънавий - рухий меросдан махрум булиб колардик. Токи хар бир ватандошимиз, айникса, ёшлар факат ислом дини тугрисида эмас, умуман, дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, мохияти тугрисида тулик тасаввурга эга булсин.

Ижтимоий сохага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий хаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир - бирига таъсирини, улар уртасидаги муътадил муносабат булиши зарурлигини очиб бериш керак».

## 2.Дин тушунчаси.

- «Дин» сузи узбек тилига араб тилидан кириб келган булиб, ишонч, инониш маъноларини билдиради.
- «Эътикод» хам арабча булиб, чукур ва мустахам ишонч демакдир.

- *Айнан динга муносабатда,  
дунёни билишда файласуфлар  
идеалистлар ва материалистлар  
оқимларига ажралиб кетишган.*

- Диннинг пайдо булиш сабабларини урганишнинг илмий асослари дунёвий диншунослиқда куйидагича баён этилади:
- 1- Диний тушунчалар, таълимот ва тасаввурларнинг идо булишини изохлашда инсоният тараккиётининг шарт -шароитини хисобга олиш зарур.

- *2-Мавжуд ижтимоий - иктисодий тараккиёт даражасини, унга мос равишда ижтимоий - сиёсий муносабатларга асосланган холда инсониятнинг маънавий камолотини, уларнинг ташки дунё тугрисидаги тасаввурларининг ва билимларининг даражасини билиш зарурдир.*

- *3-Табиат сирлари олдида ибтидоий одам ожизлиги окибатида ташки дунё тугрисида, унда булаётган воқеа-ходисаларга нисбатан нотугри карашлар, гаройиб ходисалар хақидаги асоссиз тасаввурларнинг турилишига олиб келганлигини ҳисобга олиш лозим.*



- 4 -Мехнат таксимотининг пайдо булиши асосида золимлик ва мазлумлик, бойлик ва кашшокликнинг юзага келиши билан дин хукмрон синфни химоя киладиган маънавий курулга айланганлигини назарда тутиш керак.

- *5-Табиатшунослик илми,  
далилларини фан - техника  
ютукларини хисобга олиш ва  
улардан табиат ва жамият  
сирларини тушунишда фойдаланиш  
ЛОЗИМ.*

- Диннинг пайдо булиши ва ривожланишини илмий асослаб урганиш тамойиллари:
- а) объективлик;
- б) конкрет- тарихий шароитни ҳисобга олиш;
- в) илмийлик;
- г) умуминсоний кадриятлар билан боғликлик;
- д) дин мавжудлигини, умуман гносеологик ижтимоий - иқтисодий ва психологик сабабларини ҳисобга олишни таказо этади.

3. Ибтидоий дин шаклларида тортиб то уруг, кабила ва миллий динларгача, уларда жахон динларининг пайдо булиши ва ривожланишининг ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизларини хар томонлама тарихий далиллар асосида илмий тахлил килиш мазкур курснинг вазифасидир.

- *Диннинг психологик ва гносеологик илдизлари бир - бири билан чамбарчас боғланган. Бунда шахс психикасини ақл ёрдамида англаш ва хиссий - иродали хис этиш элементлари амал килади.*
- *Диннинг психологик хусусиятларига эса диний хис - туйғу, ирим - чирим, турли диний маросим, хатти - ҳаракат, сажда ва шу сингарилар киради.*

## **Диннинг функциялари:**

- **Биринчидан**, хар кандай дин уз хомийлари учун тулдирувчи, овутувчи (компенсаторлик) вазифасини бажаради.
- **Иккинчидан**, динлар уз таълимот тизимини вужудга келтириб, унга эътикод килувчи шахс ва жамоани шу таълимот доирасида саклашга харакат килади.
- **Учинчидан**, дин диндорлар хаётини тартибга солиш, назорат килиш(регулятивлик) функциясини бажаради.
- **Туртинчидан**, дин диндорларнинг бирлигини, жамият билан шахснинг узаро алокасини таъминловчи хусусият - алока боглашлик вазифасига хам эгадир.

- Юкоридаги фикрларга асосланиб, «Диншунослик асослари» курси предметини куйидагича таърифлаш мумкин: Диншунослик кишилик жамияти тарихий тараккиётининг муайян боскичида пайдо булган барча дин шаклларининг маънавий, ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизларини, уларнинг таълимоти ва маросимчилиги, ижтимоий ҳаётдаги мавкеи ва ижтимоий функцияларини илмий жихатдан урганувчи фандир.

- *Хурфикрлилик. Бунга хос дастлабки гоялар Марказий Осиёда - деизм, пантеизм, муътазилийлар, бу улкада яшаган, ижод килган улуг мутафаккирлар Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хаёмнинг ижтимоий - фалсафий карашларида уз аксини топган.*



## *Кадимги дин шакллари:*

- *Фетишизм*
- *Анимизм*
- *Тотемизм*
- *Магия*
- *Шомонизм*